



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 1 сентябрь, № 172 (5592)

Шанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди.



(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йиғирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улғу, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ишонман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлгимизни англаш, инсоний шаймимизни, кадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгаллик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улғу айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадри юртошларим!

Ўз-ўзиндан аёнки, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йиғирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафқурасидан бутунлай воз кечиб, тобеллик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суратлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намоён этмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодий-иқтисодиётимизни модернизация ва диверсифика-

ция қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратини тобора ошириб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодийи қарийб 3,7 баробар, аҳолиимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилги ва галла муқтақилигига, ўзимизни ўзимиз гушт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, аввало, мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг қўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси, деб қабул қиламиз.

Бундан йиғирма бир йил олдин ҳар ўрта оиладан бор-йўри биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртоқшимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг

эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта таъшига солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсда энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охириги етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равнақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шийдат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шифатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатига ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айни шундай ўткир талабларни инobatга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз — бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжihatлиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамisha эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб тобора ортиб бораётгани, унинг

мизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарам-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо оғоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо бера эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синув, тўсиқ ва говларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало, ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобелликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги — 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар бўлишимиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқимиз.

— мен такрор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустақамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қўлай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш — буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий мамлакатларнинг эълчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Бугунги шукўҳли дамларда бизнинг таянчимиз ва сунанчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрили фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улғу зотларнинг авлодсиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратисиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани билад олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим! Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сизат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтмамиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ватан ўзлгини англаб етган ҳар бир инсон учун азал-азалдан табаррук саналган. Унинг ҳар бир гиёҳи, қатра сувию бир ҳовуч тупроғи кўзларга тўтиё қилиниб, эъозланган. Тўғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббат ва садоқат муқаддас битикларимизда ҳам улуғланган. “Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир”, дейилишининг ўзи ҳам унинг мақоми нақадар буюк эканлигини англайди.

Аслида, бу ёруғ оламда мамлакатлар кўп, элу элатлар бисёр, аммо жонажон Ўзбекистонимиз биз учун ягона. Бугун мамлакатимиз Мустақиллигининг қутлуг йиғирма бир ёшини тантана қилаётганимиз, Истиқлол берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, жаҳон саҳнасига шахдам қадамлар билан кириб бораётганимиз улкан ва тенгсиз бахт, олий саодатдир.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан, Истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” деган эзгу гоа асосида нишонланмоқда. Зеро, мустақиллик эркин ва фаровон яшашни, бошқалардан кам бўлмаслик тўғусини дилимизга жо қилди. Аёнки, Ватан озодлиги одамларнинг бахт-саодати, давлатнинг қудрати, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни билан ҳам қадридир. Шу маънода, ўтган йиллар мобайнида Президентимизнинг оқилона, узоқни ўйлаб олиб бораётган сиёсати боис Ўзбекистон мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди, оламшумул натижаларга эришди. Буларнинг барчаси тақдиримизнинг ойдинлиги, бахтимизнинг барқарорлиги, эркин ва обод Ватанимизнинг гуллаб-яшнаётганида яққол намоён бўлаётир.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар иҳор этилган.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан йўлланган табрикда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни ва халқингизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этишни истардим. 2010 йилнинг апрель ойидаги ташрифим чоғида юртингизнинг чуқур таассурот қолдирадиган тарихий ва маданий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг донг таратган меҳмондўстлиги билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлдим.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг учинчи ўн йиллигига қадам кўяр экан, у халқаро ҳамжамиятнинг аъзоси сифатида муҳим одамлар ташлашни давом эттирмоқда. “Минг йиллик тараққиёт мақсадлари”га миллий даражада эришиш йўлида олға силжишни давом эттириб, мамлакатингиз иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш каби соҳаларда халқаро майдонда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, бу эса уларнинг баъзилари, холос. Шу ўринда яқинда ўтказилган “Рио+20” барқарор ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида мамлакатингиз делегациясининг самарали қатнашгани учун ўз миннатдорчилигини билдираман.

Марказий Осиё умумий масалаларни ечишда минтақавий ҳамкорлик ва биргаликдаги ёндашувларни излашни тақозо этадиган янги давр бўсағасида турибди. Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг давлат раҳбарлари билан биргаликда минтақанинг сув ва энергетика муаммоларини ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлини топишда Сизнинг етакчилиги қилишингизга ишонман.

2014 йилга бориб Афғонистонда хавфсизлик соҳасида янги шарт-шароитлар вуҳудга келади. Афғонистонда ва умуман, минтақادا барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган минтақавий саъй-ҳаракатларни янада қўллаб-қувватлашингиз ва бунда иштирок этишингиз гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон халқи манфаатлари борасидаги, шунингдек, Марказий Осиё ва унинг атрофида тинчлик, барқарорлик ва равнақ йўлидаги ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам ривожлантириб бораверишга тайёрдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
БМТ Бос қотиби.

Шунингдек, куйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллаган:

БМТ Бош Ассамблеяси Раиси

Носир Абдулазиз Ал-Носир

Нидерландия Қироличаси Беатрикс

Туркия Президенти Абдуллох Гул

Австралия Генерал-Губернатори Квентин Брайс

Сингапур Республикаси Президенти Тони Тан Кен Ям

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чанг Тан Шанг

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика

Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин Миллий Мафмурияти раиси Махмуд Аббос

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко

Қирғиз Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ҳамид Карзай

Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилувчи ватандошлар Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний ва бошқалар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шайни, кадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мустақиллик байрами сифатида мамлакатимизда олдиндан бугунги саодатли кунларга етишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

(Давоми 2-бетда).

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бинобарин, бу сана Ўзбекистон тарихида, миллатимизнинг истиқболда муҳим тарихий аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари энг катта бойлигимиз одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришдир, деган эдилар. Бу эвристик юртимизнинг ҳар бир гўшасида аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган илмий ислохотларнинг самарасидир. Шу боис биз жаҳон узра **ЎЗБЕКИСТОН** деган мамлакатнинг обрў қозонаётганини, "Ўзбек модели" деб аталувчи тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўлининг нечоғлиқ пухта ҳамда ҳаққоний эканлигини кўриб, билиб, сезиб турибмиз.

2012 йил 31 август. Пойтахтимизнинг муаззам маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи шодиёнага хос тарзда безатилган. Шу муносабат билан муҳташам боғимиз ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият, спорт ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фермерлар, тадбиркорлар, ёшлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, турли давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум.

Соат 19:00. Миллий боғимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов кириб келади. Йигилганлар давлатимиз раҳбарини олқишлар билан кутиб олади. Чорлов мусикаси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари Халқимизни юксак минбардан туриб Муस्ताқиллигимизнинг кутлуг йигирма бир йиллик байрами билан муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Йирек фонда Ўзбекистон Давлат байроғи ифода этилади. Улкан панноларда мустикаликка эришганимизнинг 21 йиллигини билдирувчи рақам пайдо бўлади. Шу тарика улуг тантана бошланади.

21 йил. Кечагина дунё мамлакатлари сафида ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Гербимизга, Маҳиямизга эга бўлганимиз учун қувонган эдик. Шукрки, бугун ўз сўзимиз, бунёдкорлик салоҳиятимиз, иқтисодимиз яратган мўъжизалар билан фахрланаямиз. Истиқлол туфайли азалий кадрларимиз тикланди. Улуғ аждодларимизнинг қадимжолари обод масканларга айланди. Шунингдек, юртимизнинг ҳар бир вилоятида юзлаб маҳаллий ва қўшма корхоналар барпо этилди. Хусусан, 2011 йилда иқтисодиётимизни ривожлантириш борасидаги кўлга киритган ютуқларимиз Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли

халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланди.

Халқаро валюта жамғармасининг баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида қузелган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди..."

Президентимиз 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили юртимизда янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди. 2000 — 2011 йиллар мобайнида янги ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий тарқибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганда яққол кўриш мумкин.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилдагига нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизга етди, ҳолбуки, 2000 йилда мазкур кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўтган йили Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилдагига нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилдагига нисбатан эса қарийб 17,8 баробар

ўсди. Қайд этиш жоизки, Давлат бюджет харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида ҳам катта ютуқларга эришилди. Мураккаб об-ҳаво ҳамда иқлим шароити туфайли юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамаستдан, қишлоқ меҳнатқашларининг Фидо-корона меҳнати эвазига 2011 йили 6 миллион 800 минг тонна галла тайёрланган бўлса, 2012 йилда бу борада рекорд натижага эришилди: галлакорларимиз 7 миллион 170 минг тонналик хирмонни бунёд этдилар. Бу ҳам ризқи бутун халқимизга Яратганнинг буюк бир иноятидир.

Ўз-ўзиндан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ҳамда мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далolat.

...Куй-қўшиқ садоси остида ён-атрофдаги минглаб чироқлар сахнани чароғон этиши билан бирга, дилларни ҳам нурафшон қилади. Ажиб наволар кутлуг байрамимизни баралла сарафроз этишга ундайди.

Хайр-саховат, мурувват, эътибор ва кўмакка муҳтож инсонларга гамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардандир. Президентимиз Исрол Каримов томонидан "Муштақам оила йили" деб эълон қилинган жорий йилда мазкур эзгу фазилатлар янада яққол намойён бўлаётди. Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўсиб келаятган авлоднинг ҳаётини қизиқтирариш таъминлаш, уларни спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада, айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлар фаоллик кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, Муштақам оила йилига бағишланган кенг камровли "1000 никоҳ ва 1000 суннат тўйи" хайрия лойиҳаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Иж-

мамлакатимиздаги ижтимоий кўмакка муҳтож минг нафар оиланинг никоҳ ва минг нафар боланинг суннат тўйларини ўтказилади. Бу борада ташкилотчи жамғармалар томонидан келинлар учун "Gul" брендиндан тақдим этилган тўй либослари, "Келинсалом" учун рўмоллар, спорт кийимлари каби махсус совғалар тайёрланган. Ўз навбатида, жойларда никоҳ тўйларини ўтказишда ҳамкор ташкилотлар ва хомийлар ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ўн та вилоятида 682 та никоҳ ва 847 та суннат тўйи ўтказилди. Лойиҳа иштирокчиларининг умумий сони 45 минг кишини ташкил этди. Ушбу сайёҳаракатлар халқпарвар давлатимиздаги барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани билан ҳамкор кадрли ва аҳамиятлидир.

— Кутлуг шодиёнинг асосий тантаналарида иштирок этаётганимизда бахтиёрман, — дейди байрам дастурини берилиб томоша қилаётган юртдошларимиздан бири, Республика Онкология илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврўзов. — Гап шундаки, тинчлик-хотиржамлик барқарор юртга байрамлар ярашади. Қолаверса, ўз танлаган йўлидан огишмай, дадил бораётган давлатимизда барча соҳаларда салмоғи юксак зафарларга эришилмоқда. Шундай экан, бундан қувонмай бўладими?! Биргина тиббиёт соҳасида кўлга киритилаётган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, кўлами шу қадар кенг ва аҳамияти беқиёски, бунга ҳар бир юртдошимиз теран ағламоқда. Пойтахтимизда соғлиқни сақлаш масалаларига бағишланган халқаро конференцияни ёдга олайлик. Дунёнинг манан деган давлатларидан келган нуфузли экспертлар, мутахассислар, олимлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан ислохот этилганлигини кўриб қўйил қолдилар. Хусусан, уларнинг "Соғлом оила — соғлом бола" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларнинг улкан самараси билан бевосита танишиб, "Ўзбекистон таърибасини албатта ўрганамиз ва ўз мамлакатимизда ҳам татбиқ этамиз", деганларига бир неча бор гувоҳ бўлдим. Бундай эътирофлар барчамизга чекизи ифтихор, юксак гуруҳ бахш этади.

Гап-сўзларидан, юз-кўзларидан

халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини муштақамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўн та мамлакат қаторидан муносиб равишда жой олди.

Шу билан бирга, юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ҳамда халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини муштақамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ҳамда жамғарма 2012 йилнинг илк кунларидан ўз ишини бошлади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда эртанги кун ворислари бўлмиш навқирон авлодга юксак гамхўрлик қўрсатиб келинмоқда. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган умумийлиги дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижалари бунинг ёрқин исботидир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамяятнинг тараққиёт даражаси, авваламбор, унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори, шу йўлдаги сайёҳаракатлари билан ўлчанади. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига айна шу масалаларнинг устувор йўналишнинг сифатида киритилгани ҳам мазкур фикрни яққол тасдиқлайди. Қувонарлиси, ўз вақтида узқони кўзлаб ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўхшаши кам бўлган умумийлиги дастурларимиз туфайли бу борада самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди. Пойтахтимизда жорий йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эътириши ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини" мавзусидаги халқаро конференцияда ушбу тизим дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 та давлатдан вакил бўлиб келган 270 нафар иштирокчи томонидан ҳақли эътирофини топди.

Тантананинг навбатдаги бадий қисмини болажонлар давом эттиришади. Болалар ашула ва рақс дасталари — юртинг бахтли авлоди куй-қўшиқлар садоси остида иқтидорларини намойиш этадилар. Истиқлолимизнинг 21 йиллик шодиёнини нишонланаётган муаззам боғ болажонларнинг шўх-шодон кулгиси, завуқ шавқи билан янада фойзаг бурканади.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "Женерал Моторс Павертэйн Ўзбекистон" қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Зенит электро-никс" қўшма корхонасида "Самсунг" кир юши машиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айна пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр чангютиклар ва бир қанча

риш йўлга қўйилди. "Зенит электро-никс" қўшма корхонасида "Самсунг" кир юши машиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айна пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр чангютиклар ва бир қанча сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Исрол Каримов. Тинчлик ва оқсоқилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ҳодимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипис бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунириш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вақиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайди, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда. Шу азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва бар-

бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қўллама ётқизиблиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

"Тошкент — Самарқанд" йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Талго-250" йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

...Киндик қонимиз томган шу муқаддас тупроқни она-Ватан дея ардоқлаймиз. Мустикалик йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Мустикалик ва эзгулик монументи", "Мотамсаро она", "Ватанга қасамд" мажмуаларида она сиймоси — Ватан тимсалари ўз аксини топган.

Байрам томошаси дастуридан ўрин олган "Она тимсолида азиздир Ватан!" бадий композициясида бу маъно-мазмун чуқур ифодалана берилади.

Ҳар бир юртинг қудрати, осойишталиги унинг ҳарбий салоҳиятига боғлиқ, албатта. Шу маънода, истиқлол йилларида ҳарбий соҳада ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат бора-бора муҳим қадамлар, армиямизни профессионаллаштириш йўлидаги янгиликлар унинг самарасини бермоқда. Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, зарур тураржой ҳамда маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

...Жасур йигитларимиз шахдам қадамлар билан чиқиб келади. Уларнинг дадил ҳаракатларига ҳамоҳанг Ватан ҳақида жўшиб қўшиқ айташлари барчани тўлқинлантиради. Бир текис саф тортиб, мағрур қиёфада давра айланаётган алпелбат йигитларни кузатар экансиз, юртимизнинг тинчлиги мард ва жасур ўғлонлар қўлида эканлигидан ғурур ҳиссини туюсиз.

Мустикалик йилимизнинг 21 йиллик тантаналари бутун юртимиз узра кўтаринки қайфиятда кенг нишонланмоқда. Бу фараҳбахш байрамни ҳар ким ўз тўенаси билан қарши олади. Бор меҳрини ерга, экинига берган бободеҳоннинг баракали ҳосилидан хурсандлиги, корхонасидаги маҳсулотларнинг харидорлигидан суюнган тадбиркорнинг шодлиги, қад кўтараятган биноларнинг гўзаллигидан ўзи ҳам қувонаётган бунёдкорнинг кўнглидан кечган ҳаяжонлари, ҳуллас, бу каби барча яхшиликлар Истиқлол туфайлидир. Ана шу эзгуликларни қуйга солиш, уларни мадҳ этиш санъаткорларга шарафли масъулият юклайди. Санъатимиз усталари, истеъодли ёшлар, "Нихол" муқофоти совриндорлари ижросида янграган қўшиқларда она-юрт тараннум этилади. Ватан, Истиқлол ҳақидаги энг сара хонилар янграйди.

Қўшиқлар оҳангиде эса ён-атрофда минглаб чироқлар ёниб, жўшқинликни, кўтаринчиликни акс эттиради. Санъаткорлар биргаллашиб ЮРТ ҳақида қўйлаш бошлаганларида, минглаб шарлар ҳавога кўтарилиб, мусаффо осмонимиз узра ранг-баранг мушаклар отилади. Бир-биридан чиройли манзаралар намойён бўлади. Бу гўзаллик, баравж хонишлар, юртдошларимизнинг завқ-шавқи дилда энг азиз туйғу — Ватанга муҳаббат ҳиссини жўш урдиради.

Мақсул ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Сервар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

тимой ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ва "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида 2012 йилнинг март ойидан ноябрь ойига қадар

мамнунлиги балқиб турган юртдошимизнинг фахрланаётгани бежиз эмас. Зотан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида эришилган ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай мўтабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айна чодга шундай зиёратгоҳлар ва қадимжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга ағлатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол гоёсини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатағон қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озолиги ва мустикалиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат баҳо келтирилди. Аънанга кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатағон қурбонларининг хотирасини

ёд этар эканмиз, эзгулик аталмиш қудратли кўчинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шаҳид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улган орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ ағлаётимиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустикалигимизни кўз қорачиғидай асраш, муштақамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларни ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажрата олсин. Зеро, ватанпарварлик гоёси онгига чуқур муҳрланган, дунёқароши кенг, ҳар жиҳатдан билимли, эзукко, ҳаммиша огоҳ авлодни ҳеч ким энголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказас олмайд.

Шу маънода, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дорилармон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи

масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланади, унинг ҳазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда. Бу ерда муштабид тузумнинг шохиди бўлган кекса авлод вақиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши аънанга айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вақиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустикалик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳус воқеалар ҳар қандай соғлом фикрни инсонларни чуқур таъшишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли жоҳорлар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатига рўй бермасин, бундан кўнглимиз гаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхаёликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишینی давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунинда сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўйга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мунтазам равишда халқро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 32 та чет эл делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди.



Иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амириклари, Бельгия Кириллиги, АКШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7 та бизнес-анжуман ва давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида 52 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истиқболли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўйга чиқарилиши устидан тизимли мониторингинг амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвес-

тициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, мазкур дастурлар доирасида 2011 йилда 1226 та лойиҳа бўйича жами 841,2 миллион АКШ доллари миқдоринда инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу ҳисобот даврининг прогнозига нисбатан 110,2 фоизни ва 2010 йил кўрсаткичига нисбатан 118,5 фоизни ташкил этди.

Парламент эшитувида савдо-жавоб тарзида кенг фикр алмашув бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига дахлдор бошқа масалаларни кўриб чиқди.


Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди. Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омилли бўладиган 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишینی тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Эътироф

Залворли ютуқларингиз таҳсинга сазовордир



— Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларида биринчи бўлиб, бу — Ўзбекистоннинг ташқи савдо позицияларининг мустақамланиши ва ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислохотларга босқичма-босқич ёндашиши, аниқ стратегияга

асосланган макроиқтисодий бошқарувидир. Ўзининг кенг қамрови билан ахрибли турадиган бундай ёндашув мамлакатни ташқи бўхорлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади.

Харуҳико КУРОДА,
Осиё тараққиёт банки президенти.

Эртанги кунингиз бугунидан-да нурафшон



— Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингани яхши биламан. Ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ

этиб борилаётгани боис ёшлар чуқур билим эгалаб, юрт тараққиётига муносиб улуш қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб етишишмоқда. Мамлакатингиздаги бир қатор умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртига қилган ташрифимиз чоғида бунга яна бир қарар амин бўлди. Улардаги имкониятлар киши эътиборини ўзига тортади. Замонавий жиҳозланган ахборот-ресурс марказлари, лабораториялар, электрон кутубхоналар, спорт заллари ёшлар ихтиёрида. Ўқувчилар, талабаларнинг мақсади ҳам аниқ; қайси бири билан суҳбатлашмангиз, уларнинг ёниб турган кўзларида "Ўзим севган касб сирларини пухта эгалаб, мамлакатим тараққиётига ҳисса қўшаман", деган қатъий ишончини илғайсиз. Мана шундай эзгу ният ва соғлом фикрда камолга етаётган авлодлари бор юртининг эртаси бугунидан-да нурафшон бўлишига ҳар қандай одамда ҳам шубҳа қолмайди.

Дюклов Картерн ФРАНСУЗА,
Франция Сенатининг Маданият, таълим ва коммуникация бўйича комиссияси раиси ўринбосари.

Ҳавас қилса арзийди



— Ўзбекистон Истиқлолга эришгач, қисқа даврларда барча соҳаларда улкан ютуқларни кўлга киритди. Жумладан, тиббиёт соҳасида катта тажриба тўплади. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида она ва бола

саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш борасидаги кенг қамровли чоратадбирлар диққатга сазовордир. Репродуктив саломатлигини таъминлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида қабул қилинган қонун ва қарорлар, ишлаб чиқилган дастурлар бугун ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда мамлакатда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар кескин камайгани, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайгани бунинг яққол тасдиғидир. Бундай натижаларга, албатта, ҳавас қилса арзийди.

Лоренсо БОННИ,
Мадрид шаҳри госпиталининг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи.
Испания

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Лондон шаҳрида давом этаётган XIV Паралимпия ўйинларида ҳамюртимиз Шариф Халилов кумуш медални кўлга киритиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

«Паралимпия ўйинлари — 2012»

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имкониятлари чеklangан ва ногирон ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самараларини бермоқда. Дзюдочимиз вази 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида венецуэллик Маурицио Брикенони, аргентиналик Родолфо Рамирезни, ярим финалда россиялик Шаҳбан Курбановни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда украиналик Дмитро Соловейига имкониятини бой берган Шариф Халилов кумуш медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОВА,
Ўза мухбири.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлаш, ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш каби 20 дан ортиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. Мухбиримиз танафус вақтида сенаторлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муҳокама этилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусидаги фикрлари билан қизиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин: Файзулла Хасанович **Атабаев** Азамат Хожамуратович **Баймуратов** Раъно Норбоевна **Камалова** Муҳамматали Азимович **Назаров** Турабек Турсунбекович **Раҳманов** Зуфар Султонович **Усмонов**.
- Рустам Убайдуллаевич **Абдуллаев** бошқа ишга ўтганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
- Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб сайлансин: Бибисанем Тажидбаевна **Темирханова** Олим Дусмухамматович **Халмирзаев**.
- Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 август

Инсон манфаатларини таъминлаш — пировара мақсад

— Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги кенг нишонланган бир пайтда, шунинг алоҳида қайд этиш керакки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда "Ўзбек модели" асосида мустақамлаш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар кўлга киритилди, — дейди Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. Сафоев. — Бу пухта ўйланган ва қатъий сиёсат юртимизнинг халқро миқёсда олиб бораётган дипломатик алоқалари, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун халқро ҳамжамият Ўзбекистонни тинчликпарвар, муаммоларни музокара йўли билан ҳал қилишга интиладиган давлат сифатида билади ва эътироф этади. Давлатимиз ташқи сиёсатидаги ушбу устувор тамойил сенаторлар томонидан муҳокама қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатда ҳозирги халқро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон манфаатлари нуктаи назардан баҳо берилган. Айни чоғда давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари, шунингдек, устувор йўналишлари белгиланган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёни ҳамда уни амалга ошириш механизмлари ҳам очиб берилган. Концепция давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустақамлаш, мамлакатнинг

халқро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ҳамда ролини янада кучайтириш, минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничлик маконини яратишга хизмат қилади. — Сенат ялпи мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган бир қатор қонунлар, жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонун ҳам муҳокама этилди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Н. Садриддинов. — Дарҳақиқат, Концепцияда алоҳида таъкидланганидек, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан кўлга киритган ёки яратган мулкнинг дахлсизлигига шубҳа қилмаслигини таъминлайдигани шонинчи қаролатлар тизимини яратиш бозор муносабатларини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тадбиркор, аввало, ўз бизнесига инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳамда олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши

лозим. Қонун айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилган асосий қаролатларни мустақамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда тадбиркорлик муҳитининг янада яхшиланишига хизмат қилади, албатта. — Ялпи мажлисида, ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим қонунлар муҳокама қилинган ва маъқуллангани диққатга сазовордир, — дея суҳбатга қўшилди Олий Мажлис Сенати аъзоси Т. Назаров. — Ана шундай ҳужжатлардан бири, шубҳасиз, "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Мазкур Қонун ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органларининг аралашувини камайти-

риш бўйича олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни яратиш, шунингдек, мансабдор шахс ва давлат органлари хизматчилари томонидан суиистеъмолликларнинг олдини олиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қудай инвестиция муҳитини яратишга қаратилгандир.

— Барчамиз Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик кунини катта қувонч, эзгу ниятлар билан нишонлашга одатланганмиз, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Р. Қўроғнова. — Мамлакатимизда байрам муносабати билан кўплай ижтимоий объектларни ишга тушириш, байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш, юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшаётган, баркамол авлодни вояга етказиши, она-Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишдек эзгу ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишни ўзи учун шарафли вазифа, деб билган ҳамюртларимизни давлат мукофотлари билан тақдирлаш яхши анъанага айланган. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида ҳам ана шундай мукофотлардан бири — "Мардлик" орденини тасдиқлаш масаласи қизгин муҳокама қилинди. Ушбу орден билан ўзини Ватан ҳимояси ва она-юрт хизмати бағишлаган, бу йўлда мардлик ва жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси сиёсий ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролар мукофотлаштириш назарда тутилган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, ушбу орден ёш авлодни она-Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Қобил ХИДИРОВ
эзиб олди.

Талабаларга сертификатлар топширилди

Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний-маърифий муассасаларнинг иқтидорли талабаларига грантлар топшириш маросими ўтказилди.

Тадбир

«Меҳр нури» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, юртимиздаги диний таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирокидаги мазкур тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани алоҳида

таъкидланди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган диний таълим берувчи олий ва ўрта махсус билим юртиларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари жамиятимизга юқори интеллектуал салоҳияга эга ёшларни етказиб беришга хизмат қилмоқда. — Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, фарзандларимизнинг жижо андозалари даражасида билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Имом Бухорий халқро маркази раҳбари, профессор Убайдулла Уватов. — Бу жараёнда диний таълим муассасалари фаолиятини тако-

милаштириш, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва соҳа бўйича етуқ муассасаларни тайёрлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда давлат ва иқтидорли талабалар давлатимиз ҳамда турли нодавлат, жамоат ташкилотлари томонидан муносиб рағбатлантириб борилмоқда. «Меҳр нури» жамғармасининг бугунги тадбири ҳам ана шундай эзгу ишлар сирасига киради. Жамғарманинг «Оқибат хайрли бўлсин» дастури

доирасидаги грантларига бугунги таълим муассасасининг йигирма нафар талабаси сазовор бўлди. Эндликда улар ўқув йили давомида жамғарманинг имтиёзли стипендияларини олади. Тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова талабаларга тегишли сертификатларни топширди. — Мадрасада ўқиб юрган ҳам «Меҳр нури» жамғармаси стипендиясига сазовор бўлган эдим, —

дейди Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти талабаси Усмонхон Муҳаммадиев. — Бу менга катта кўч бағишлаб, олдимга кўйган мақсадларимга эришишимда ёрдам берди. Натижада институт талабаси бўлдим. Бугун олий ўқув юртидаги фаолигим, аёло баҳоларга қўйганим тўғрисида яна мазкур грантга лойик топилдим. Ўқиш ва келгусидаги меҳнат фаолиятим билан бундай юксак ишончи оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳ. ҲАСАНОВ,
Ўза мухбири.



ОАЖ «АСАКА»

банки жамоаси

ватандошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг

21 йиллиги

билан самимий қутлайди!

Мустақкам оила йилида сизларга сиҳат-саломатлик, омонлик, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз бахту саодати йўлида олиб бораётган барча эзгу ишларингизда улкан омадлар тилайди.



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Қадрли ватандошлар!

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Ватанимиз

Мустақиллигининг

21 йиллиги

билан чин қалбдан қутлайди!

Хонадонингизни яхшилик ва муҳаббат, тинчлик-тотувлик ҳеч қачон тарк этмасин!



Юртимиз ҳамisha тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

«Ўзбекчармпойабзали»

уюшмаси

жамоаси юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг

21 йиллиги

байрами билан самимий қутлайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингизда зафарлар тилайди!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«AGRO INTER PLAST» МЧЖ

жамоаси

барча юртдошларимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллик шодқўнаси билан самимий қутлайди! Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодийети жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Эришиляётган ютуқларда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан мамнунимиз. Юртимиз обод, осмонимиз қошмо мусаффо бўлиб, хонадонларимиздан бахт-саодат, тўқин-сочинлик, кўт-баракка ариласин!

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 12624 кв.м., курилиш ости майдони 3884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган жолда такроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 609 181 592 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 14 сентябрь куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мол-мулклар 2012 йил 18 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 3 октябрь куни бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 1 октябрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш қуллари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан,

мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Шералиев.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.55 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5